

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

## **ANALYSIS OF SOME NATIONAL-ETHICAL PHRASEOLOGICAL AXIOLOGEMS IN THE UZBEK LANGUAGE**

Sh. Khudaykulova

JIDU

During the period of independence, special importance was attached to the creation of various explanatory dictionaries and dictionaries that fully cover the phraseological wealth of our language. For example, Sh.Rakhmatullaev's "Phraseological Dictionary of the Uzbek Language", M.Sadikova's "Brief Russian-Uzbek Stable Phrases Dictionary", Mahmud Sattor's "Uzbek's Speech is Interesting", B.Yoldoshev, K.Bozorboev's "Phraseological Dictionary of the Uzbek Language", Sh.Shomaksudov , Sh. Shorahmedov's "Chamber of Meanings", Sh. Shomaqsudov, S. Dolimov's "Kairaki sozlar" (folk sayings), N. Mahmudov, D. Khudoyberganova's "Annotated dictionary of Uzbek language similes", N. Mahmudov, Yo. Odilov's "Uzbek language Such lexicographical works as "explanatory dictionary of enantiosemic words" are among them.

## **ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БАЪЗИ МИЛЛИЙ-ЭТИК ФРАЗЕОЛОГИК АКСИОЛОГЕМАЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ш.Худайкулова,

ЖИДУ

Мустақиллик даврида тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Масалан, Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”, М.Содикованинг “Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати”, Маҳмуд Сатторнинг “Ўзбекнинг гапи қизиқ”, Б.Йўлдошев, К.Бозорбоевларнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”, Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг “Маънолар маҳзани”, Ш.Шомақсудов, С.Долимовларнинг “Қайроқи сўзлар” (халқ иборалари), Н.Маҳмудов, Д.Худойбергановларнинг “Ўзбек тили ўхшатишиларининг изоҳли луғати”, Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” сингари лексикографик асарлар шулар сирасидандир.

Тилшунослар томонидан фраземаларнинг когнитив-прагматик талқини, унинг структур-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатларини ўрганишда

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

муайян ютуқларга эришилди, шунингдек, баркаор бирликлар устидпги анънавий изланишлар билан бир қаторда, замонавий тилшуносликда когнитив йўналишга эътиборнинг ортиши натижаси ўлароқ фразеология соҳасидаги тадқиқотларда ҳам когнитив ёндашув шаклана бошлади. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигига фразеологизмларни ушбу аспектда ўрганишга уринишлар анънавий муаммога янгича қарашиб вужудга кела бошлаганидан далолат берётган бўлса-да, ўзбек тили фразеологик бирликларини аксиологик ёндашув асосидаги татқиқи, фраземаларнинг қадрият ва аксилқадрият баҳога эгалиги, шунингдек, антонимия асосида муайян тасниф қилиш, аксиологик лексиканинг миллий ва умуммиллий хусусиятлари, уларнинг семантик-стилистик таҳлили аксиологик аспектда тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда.

Хусусан, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий нуқтаи назардан тадқиқ қилишга бағишлиланган ишларда фразеоконцепт тушунчаси, муайян маданият тил ташувчиликнинг миллий ментал майдонларини таҳлил этиш, у ёки бу тилдаги фразеологизмларнинг ментал моҳиятини ўрганиш каби масалалар тадқиқ қилинган. Фразеологик бирликларнинг аксиолингвистик тадқиқи қўп ҳолларда турли тилларни қиёслаш аспектида олиб борилади, аксиологик фразеологияда фраземаларни турли тиллар қиёсида ўрганиш тилшуносликка қўпроқ самара бериши мумкин.

Кўплаб аксиологик фразеологияга доир тадқиқотларда қадрият ва аксилқадрият мақомидаги аксиологик жуфтликлар таснифланган. Ушбу таснифлар асосида аксиологик фразеологик жуфтликларнинг мавзу жихатдан физиологик, моддий, ижтимоий, рухий, маънавий-ахлоқий, интеллектуал, эмоционал, диний, миллий-этик ва мутлақ аксиологемалар каби таснифлари келтирилади ва қўйида улардан миллий-этик аксиологема ҳисобланган серфарзанд-бефарзанд аксиологик жуфтилигини таҳлилга тортдик:

Ўзбек тилидаги серфарзанд-бефарзанд, номусли-беномус, андишали-андишасиз, иффатли-иффатсиз ҳаёли-ҳаёсиз, фаросатли-бефаросат каби. аксиологик жуфтликлар миллий-этик аксиологемалардир. Масалан, юзи ёруғ бўлмоқ, издан чиқмоқ, қайси юз билан, юзига оёқ босмоқ, юзига оёқ қўймоқ, юзи ерга қаради, бошини букмоқ, бошини хам қилди, эти номусли ерга букмоқ, юзи шувут бўлмоқ, юзи чидамаслик, юзи шамгин бўлмоқ, йўлдан чиқмоқ, номуси букилди, енгил табиат, доф тушурмоқ каби фраземалар номусли-беномус аксиологик жуфтилигини ифодалайди.

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

Ушбу қадриятлар сирасида серфарзанд-бефарзанд аксиологик жуфтилигига тұхталиб үтәмиз. Инсоннинг ўзидан кейин насл қолдириш, барча маданиятларда рағбатлантирилади ва шу маңнода оила, ота-она қаторида фарзанд қадрият саналади. Шу билан бирга муайян маданиятларда аксиологик иерархия жиҳатидан мазкур қадриятнинг фарқланиши күзатылади. Күп ҳолларда қадриятлар таснифида наслини давом эттириш, одатда, витал – хаётий зарурат сифатида талқин қилинади. Маданий-ментал нұқтаи назардан ёндашилса, насл қолдириш – фарзандлы бўлиш ҳамда серфарзандлик ўзбек халқида витал даражадан юқорироқ эканлиги ҳақида хulosага келиш мумкин. Шу ўринда Ф.Усмановнинг фикри қарашимизнинг тасдиғига хизмат қилади. Тадқиқотчи, жумладан, А. Фёдоров лугатида келтирилган таснифга ҳақли эътиroz билдиради: “Қадриятларнинг юқоридаги таснифлари ўзининг чекланган томонига эга, деб ҳисоблаймиз. Масалан, А.Фёдоровнинг таснифида авлодни давом эттириш экзистенциал (хаёт мазмунини акс эттирувчи) қадрият эмас, витал қадриятлар сирасига киритилади. Ўзбек маданияти нұқтаи назаридан бу мунозарали. Шунингдек, барча қадриятлар, у хоҳ ахлоқий, хоҳ сиёсий бўлсин, ижтимоий илдизларга эга. Чунки бунда бир маданият бирлаштириб турган жамоанинг маданий меъёрлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади” [1]. Чиндан ҳам ўзбек халқида фарзандли бўлиш фақат насл қолдиришни англатмайди, ҳалқ онгига тириклик мазмуни ва мақсади даражасидаги қадрият сифатида яшаб келади. Фарзанд – белнинг қуввати, фарзанд – дилбанд, фарзанд – қанот, фарзанд – жонга пайванд, фарзандинг – давлатинг, қўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси ўғлимиз мулла Отабек” (А.Қодирий. Ўткан кунлар) каби бирликларда қадрият баҳоси қиёсланаётган предмет орқали воқеланади, одатда у ҳаётий куч, энергия, суюкли, имконият, бойлик, мол-дунё, ёруғлик энергияси, ҳаётда орттирилган азиз неъмат билан тенглаштирилади. Ушбу қиёслар кўпроқ қадриятни эквицентиал моҳиятга яқинлаштиради. Ўзбек тили лексик захирасидаги фарзанд ато этмоқ, фарзанд кўрмоқ, чақалоқ ингаси эштитилмоқ, янги меҳмон келмоқ каби бирликлар фарзандли бўлиш билан боғлиқ илиқлиқ, қувонч, баҳт ассоциацияларини уйғотади. Шунингдек, “кўпайиш” эвфемизми, дуолардаги этиологияси қадим туркий тилдаги қадрият мазмунига эга концептларга бориб тақалувчи ували-жували сифати, орттирма даражадаги сифат билан қўлланувчи қўша-қўша фарзанд бирикмаси ҳам семантик-аксиологик маъно ифодалайди. Икки ёшнинг муҳаббатли, ували-жували бўлишларига дуо қилишгач, совчиларга заррин тўнлар кийдирилди (А. Қодирий Ўтган кунлар.).

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

Биз кўпайишидик. Қўшалоқ набирали бўлдик (Газетадан). Икки ёш унаштирилган кундан бошлаб “Кўша-кўша фарзандлар кўришсин”, деб дуо қилишади (Газетадан). Аксинча ўзбек маданиятда бефарзандсизлик катта фожия саналади: “Ҳазрати Хизр боважоним, мен бир шўрпешона бандаман! **Тирноққа зорман!** Эшитяпсизми, тирноққа зорман! Нима тиласангиз тиланг, манави чопонимгача сотаман, айтганингизни айтгандайин бажо келтираман! Менга **бир фарзанд** берсангиз бўлди, ҳазрати Хизр боважоним!.. (Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар). Шу билан боғлиқ тирноққа зор, тирноқсиз, тирноқ юзини кўрмаслик каби соматик фразеологизмлар ўтинч, мавжуд эмаслик, маҳрумлик семантик маъноларини ташийди ҳамда бефарзандлик аксилқадрият эканлигини таъкидлайди. Ўзбек тили лексикасидаги мазкур қадрият билан боғлиқ қисир, пушти куйиб кетган, туғмас каби қатор эвфемизлар қучли салбий бўёққа эга. Бу эса халқда аёлнинг фарзанд кўра олмаслиги катта қусур саналганидан далолат беради. Шу тариқа бефарзанликнинг экзистенциал мазмундаги аксилқадрият эканлиги концептнинг зиди бўлмиш фарзандлилик/серфарзандликнинг миллий-этик қадриятлар иерархиясида юқори ўринда турувчи қадрият сифатидаги баҳосини воқелантиришга хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, аксиолингвистика тилда акс этган қадриятларнинг тил бирликлари ва белгилари билан ифодаланиш хусусиятларини ёритишга хизмат қиласди. Аксиологик лексикани тадқиқ қилишда фразеологизмлар муҳим ҳисобланади. Аксиологик фразеологизмларда муайян миллатнинг образли тафаккури, миллий-ментал дунёқараши яққол ўз аксини топади.